

Арzon уй-жойлар беришда уй-жойга муҳтоj хотин-қизларни аниқлаш мезонлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон [карорига](#) асосан комиссия томонидан аризани кўриб чиқища уй-жойга муҳтоj хотин-қизларни аниқлаш қўйидаги ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади:

- а) ариза берувчида мулк хуқуки асосида турар жойнинг йўқлиги ва турар-жойда ижара шартларида ёки яаш учун яроқсиз турар жойда яшashi;
- б) бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшashi;
- в) кўп болалилик (уч ва ундан ортиқ);
- г) ариза берувчи оиласининг даромади;
- д) ижтимоий хусусиятига кўра алоҳида хонада яшashi керак бўлган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг иирингли яллиғланиши, псориаз) bemor аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хulosаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида);
- е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гурух ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- ж) ариза берувчи уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв. метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 кв. метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;
- з) биринчи гурух ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;
- и) ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парваришаётган аёллар (туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хulosаси асосида);
- к) кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларни тарбиялаётган аёллар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида) (www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)